

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОМ АШЁНИ ҚИЗДИРИШДА ЁЙЛИ ПЎЛАТ ЭРИТИШ
ПЕЧЛАРИДАН АЖРАЛАЁТГАН ГАЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик.
Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва
ноёб металлар металлургияси (Қуймачилик ва металларга ишлов
бериш йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОМ АШЁНИ ҚИЗДИРИШДА ЁЙЛИ ПЎЛАТ ЭРИТИШ ПЕЧЛАРИДАН
АЖРАЛАЁТГАН ГАЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик.
Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб
металлар металлургияси (Қуймачилик ва металларга ишлов бериш
йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2021

УДК 669.18

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Халикулов Ўткир Мирзакамолович

Хом ашёни қиздиришда ёйли пўлат эритиш печларидан ажралаётган газлардан
фойдаланиш жараёнини оптималлаштириш орқали
такомиллаштириш.....5

Халикулов Уткир Мирзакамолович

Совершенствование путем оптимизации процессов использования отходящих
газов из дуговых сталеплавильных печей
для подогрева сырья34

Halikulov Utkir Mirzakamolovich

Improvement by optimizing the processes of using waste gases from
arc steel furnaces for heating raw materials65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....69

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1492 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Самадов Алишер Усманович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурмурадов Саллохиддин Дусмуродович
техника фанлари доктори, профессор

Якубов Лазиз Эргашхонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

“Олмалик КМК” АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.03.04. рақамли илмий кенгашнинг “...” 2021 йил «--» _____ соат _____ даги Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел. / факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел. / факс): (99871) 227-10-32)

Диссертация автореферати «___» _____ 2021 йилда юборилди.
(2021 йил «___» _____ даги --- рақамли реестер баённомаси).

К.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д, профессор

Н.Д.Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д, профессор

Ф.С. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида металлургия саноатида тоғ-кон металлургия комплексининг асосий, энг муҳим муаммолардан бири, бу пўлат ишлаб чиқариш маҳсулоти сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, қўлланиладиган энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада пўлат ишлаб чиқаришда ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган, ҳамда глобал экологик меъзонларга жавоб берадиган янги технологиялар яратиш ва уларни соҳага тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда электр печларида пўлат ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар пўлат эритиш жараёнида умумий харажатларнинг қарийб 50-60 фоизини электр энергиясига кетадиган харажатлар ташкил этиб, уни бошқа арзон иссиқлик генераторларига алмаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун металлургия саноатининг долзарб вазифалардан бири хом ашёни қиздириш асосида ресурстежамкорликни таъминлаш, эритиш печларидан ажралаётган газлардан фойдаланиш жараёнини оптималлаштириш, чиқинди газ иссиқлигидан самарали фойдаланиш асосида экологик муҳитни яхшилашга қаратилган технологияларни яратиш муаммоси долзарб вазифалардан биридир.

Республикада қора металлургия асосан Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноати зонасида ва давлат корхоналари ҳисобланган «Олмалиқ КМК» АЖ, «Навой КМК» ДК ва «Ўзметкомбинат» АЖ давлат корхоналарида мужассамланган бўлиб, маҳсулотлари ишлаб чиқариш, жумладан, саноат ва хўжалик қурилишида ишлатиладиган пўлатдан тайёрланган профиль ва қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ривожланиши йўлга қўйилган бўлиб, ёйли пўлат эритиш печларида пўлат ишлаб чиқариш жараёнида ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлашда маълум бир натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан «... макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига асосланган пўлат ишлаб чиқаришда ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлар, бутловчи буюмлар ва материалла ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқболли лойиҳаларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

“Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёйли пўлат эритиш печларида пўлатларни суюқлантириш, металлургияда хом ашёни жараёндан олдин қиздириш ва электрда пўлат эритиш агрегатидан ажралаётган чиқинди газлар таркибидаги зарарли моддаларни термик ишлов бериш орқали деструкция қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, куйидаги олимлар томонидан амалга оширилди: К.Х. Хейнен, К. Алфред, К. Клейн, Х. Грипенберг, Т. Кишида, С. Кимура, В.А. Кривандин, И.Н. Неведомская, В.Д. Смоляренко, Ю.А. Гудим, И.Ю. Зинуров, Н.Д. Тураходжаев, А.О. Шазимов, М.Ш. Қурбонов, Э.Х. Тулягановлар ва бошқалар.

Мазкур ишлар таҳлиliga кўра, шуни таъкидлаш керакки, энергия тежамкорлиги ва экологик меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, такомиллашган иссиқлик алмашинувига ва оптимал конструкцияга эга бўлган, металл бўлақларини олдиндан қиздириш имконини берадиган агрегатни ишлаб чиқиш масалалари тубдан ҳал этишни талаб этади. Ушбу диссертация ишида ушбу муаммони ҳал қилишга доир масалалар кенг ёритиб берилган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан ўзаро боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС” Олмалиқ филиалининг 01/06-01/4-334-сонли “Ёйли пўлат эритиш печларидан ажралаётган газларнинг иссиқлигидан фойдаланиш” (2017-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади печдан ажралаётган техноген чиқинди газларнинг физик иссиқлигидан фойдаланиб хом-ашёни олдиндан қиздириб олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бир вақтнинг ўзида ҳам печга, ҳам цехнинг газ тозалаш тизимига интеграция қилинадиган инновацион агрегатнинг афзалликларини асослаш;

электрометаллургик ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига ва экологик меъёрларга мос келувчи, металл бўлақларини олдиндан қиздириб, чиқинди газларни ёқиб юборувчи янги комбинацион жараён технологиясини ишлаб чиқиш;

металл бўлақларини олдиндан қиздириш жараёнида чиқинди газлар

оқими ва иссиқлик алмашинувини яхшилайдиган интеграциялашган қиздирувчининг конструкциясини такомиллаштириш;

икки камерали қиздирувчининг металл бўлақларини қиздириш ва чиқинди газларни ёқиб юбориш тизимининг хусусиятларини такомиллаштирадиган термик режимларини ишлаб чиқиш;

икки камерали қиздирувчидаги комбинацион жараённинг иссиқлик балансининг математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёйли пўлат эритиш печидан ажралаётган техноген чиқинди газлар танланди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб металл шихтани ёйли пўлат эритиш печига юклашдан аввал қиздириш учун ажралаётган техноген газларнинг физик иссиқлигидан фойдаланиш ва қиздириш жараёнидан кейин чиқинди газларни махсус камерада ёқиб юборишни таъминлайдиган комбинацион технологияни ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда хом-ашёни олинган қиздириш бўйича илмий-техник маълумотлар таҳлили, аналитик услубни қўллаган ҳолда назарий тадқиқотларнинг замонавий комплекс тадқиқот усулларида, иссиқлик нурланиши билан кечадиган нурланиш-ютилиш муҳитини яратиш ва нурли энергиянинг ўтиш қонуниятларига асосланган усуллари кўлаб ўрганилган. Олинган тажрибавий маълумотларни статистик қайта ишлашда математик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интеграциялашган олдиндан қиздирувчи қурилмаларида газларнинг ярим ёпиқ тизимдаги ҳаракатланишининг таснифи ишлаб чиқилди;

иссиқлик алмашинуви қонуниятлари асосида металл парчаларини олдиндан қиздириш ва чиқинди газларни ёқиб юборишнинг комбинацион технологияси ишлаб чиқилди;

(ПДК) – атмосферага чиқаётган ёниш маҳсулотларининг таркибидаги зарарли қўшимчаларнинг чегаравий концентрацияси талаблари асосида қиздириш камерасидан ажралаётган техноген чиқинди газларни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди;

ресурс тежамкорликнинг таъминланиши кўрсаткичлари асосида икки камерали интеграциялашган шихта қиздирувчисининг термик режимлари ишлаб чиқилди;

икки камерали комбинацион қиздирувчининг қиздириш камерасида, хом-ашёни олдиндан қиздириш мобайнида кечадиган асосий физик-кимёвий жараёнлар ва металл парчалари устунидаги иссиқлик алмашинув жараёнларининг таснифи билан боғлиқ зоналар аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

печ муҳити ва газ ўтказиш модулига интеграция қилинган металл парчаларини олдиндан қиздириш ускунасининг ичидаги газларнинг турбулент-ламинар ҳаракати туфайли суюқ пўлат ваннасидаги ортиқча газларнинг чиқиб кетиши эвазига пўлат сифати яхшилانган;

бир вақтнинг ўзида печдан ажралаётган чиқинди газларнинг физик

иссиқлигидан иссиқлик нурланиши ва конвектив иссиқлик алмашинувини қўллаган ҳолда металл парчаларини олдиндан қиздириш эвазига хом-ашёнинг ўртача температурасини 500 °С га оширадиган технология ишлаб чиқилган ва асосланган;

икки камерали қиздирувчининг ички деворларига термал панеллар ёрдамида иссиқлик изоляциясини таъминланиши туфайли металл парчаларининг ўртача иссиқлиги қўшимча 70 °С га кўтариш технологияси ишлаб чиқилган;

чиқинди газларни ёқиб юбориш орқали термик ишлов бериш натижасида цехнинг чанг-газ тозалаш тизимига тушадиган юкламани 15-20% қисқартиришни таъминловчи комбинацион жараён технологияси ишлаб чиқилган;

шихта устуни бўйлаб печ ваннасининг ва ундан ажралаётган газларнинг иссиқлик нурланиши, газларнинг шихтага нисбатан мажбурий ва эркин конвекцияси натижасида 100 кВт/соат энергия тежовчи икки камерали қиздирувчининг конструкцион тузилиши ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган физик-кимёвий (ИК - спектроскопияси, рентген фаза таҳлили ва кимёвий таҳлил), шунингдек электрда пўлат ишлаб чиқариш жараёнида арзон иссиқлик генераторларидан фойдаланиб шихтага, сўнгра техноген чиқинди газларга термик ишлов бериш натижасида умумий ишлаб чиқариш унумдорлигини ва экологик хавфсизлигини таъминлайдиган комбинациялашган технологик жараёнини ишлаб чиқишда экспериментларни математик режалаштириш усулини қўллаб, экспериментлар натижаларининг математик асосда қайта ишлов берилиши замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишнинг тадқиқот усуллари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, металл парчаларини олдиндан қиздириш мобайнида кечадиган физик жараёнларни ўрганиш ва ёйли пўлат эритиш печида газларнинг ва газларда иссиқликнинг ҳосил бўлиши, металл парчалари устуни бўйлаб иссиқлик алмашинуви ва ажралаётган газларни ёқиб юбориш жараёнларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пўлат эритиш агрегатидан ажралаётган газларнинг физик иссиқлигидан самарали фойдаланиш ва ажралаётган газлар таркибидаги зарарли моддалар атроф-муҳитни ифлослантиришини олдини олишда термик ишлов беришнинг комбинацион жараёнларини ўзида мужассамлаштирган қурилманинг конструкцияси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хом ашёни қиздиришда ёйли пўлат эритиш печларидан ажралаётган газлардан фойдаланиш жараёнини оптималлаштириш орқали такомиллаштириш учун олиб борилган тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“ДСП-100УМК” печидан ажралаётган газларнинг физик иссиқлигидан фойдаланиш технологияси “Ўзметкомбинат” АЖГа жорий этилган (“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2020 йил 20 ноябридаги 01/02-03.02-138-сонли

маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланилиши пўлат эритиш жараёни учун сарфланадиган вақтни 10-15 % га қисқартириш имконини берган.

Печдан ажралаётган зарарли газларнинг таркибидаги зарарли моддаларни ёкиб юборишни таъминлайдиган технология “Ўзметкомбинат” АЖга жорий қилинган (“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2020 йил 20 ноябридаги 01/02-03.02-138-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланилиши электр пўлат эритиш цехидаги газ ва чанглардан тозалаш тизимига тушадиган юкломани 15-20 % қисқартириш имконини берган.

Икки камерали қиздирувчида иссиқлик алмашинув жараёнини бир маромда тақсимлашнинг инновацион технологияси “Ўзметкомбинат” АЖга жорий этилган (“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2020 йил 20 ноябридаги 01/02-03.02-138-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технологиянинг қўлланилиши ҳар бир тонна пўлатни суюқлантиришда 100 кВт с электр энергиясини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та иш эълон қилинган. Шулардан 11 та илмий мақола бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Докторлик диссертациясининг асосий илмий натижалари бўйича 1 та монография ва 1 та ЭХМлари учун дастурини рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шихтани олдиндан қиздиришнинг мавжуд технологияларининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида пўлат ишлаб чиқаришда шихтани олдиндан қиздиришнинг ривожланиши ва ривожланиш босқичларини жадаллаштириш динамикасида жуда катта назарий ва амалий тажриба тўпланганлиги келтирилган. Соҳада бой назарий ва амалий тажрибага қарамасдан, ҳозиргача металл парчаларини олдиндан қиздиришнинг кўп муаммолари ечилмаган.

Биринчидан, металл парчаларини олдиндан қиздириш соҳасида ўрганилган технологиялар пўлат эритиш даврининг барча иш цикллари учун ечимлар мажмуаси мавжуд эмас, ўз навбатида, бу технологияларни эритиш вақтида бевосита қўллаш печда эритиш циклининг ўзгаришига олиб келади.

Иккинчидан, тадқиқотчилар кўпинча шихтани олдиндан қиздириш жараёнини шихтанинг маълум таркиби ёки шихтани таёрлаш учун махсус шароит ва сифатларга мослаштиради.

Учинчидан, металл парчаларини олдиндан қиздириш жараёнлари экология масалалари ва атроф-муҳитга зарарли моддаларни тарқатишни чеклаш, айниқса йигирма биринчи асрда қабул қилинган янги меъёрлар натижасида чегараланиб қолди.

Диссертация ишида металл парчаларини олдиндан қиздириш бўйича мавжуд жараён ва усуллар бўйича тўпланган материалларнинг қиёсий таҳлили, ҳам печнинг конструкцион хусусиятларини инобатга олган ҳолда интеграция қилинган, ҳам газ тозалаш тизимига интеграция қилинган интеграциялашган тизимлар келгусида ривожланиши учун катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатди. Металл парчаларини олдиндан қиздирувчи интеграциялашган тизимлар, олдинги қурилмаларнинг қуйидаги принципиал муаммоларини ҳал қилди:

- қиздирилган металл парчаларини ташишда мурракаб логистика тизимини, ҳамда пўлат эритиш цехларида печдан ташқарида металл парчаларини қиздиришда зарур бўлган узун ва хизмат кўрсатишда мураккаб бўлган газ йўлакларини жорий этиш;

- металл парчаларини қиздиришда бадья ёки бошқа идишларни қўллаш зарурияти;

- ёйли пўлат эритиш печи ва металл парчаларини қиздирувчиларнинг интеграция механизмларини моделлаштириш;

- чиқинди газларнинг иссиқликдан фойдаланиш коэффициентида максимал фойдаланиш учун қиздириладиган шихтанинг температурасини кўтариш.


Ушбу ишнинг асосий вазифаси этиб иқтисодий самарадор, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг янги талабларига жавоб беришга қараталган тенденцияларни ва “Ўзметкомбинат” АЖнинг электда пўлат эритиш цехининг (ЭПЭЦ) асосий агрегатларини жойлашув инфратузилмасини инобатга олган металл парчаларини олдиндан қиздирувчи тизимларни қўллаш белгиланган.

Диссертациянинг **“Интеграциялашган икки камерали қиздирувчида ажралаётган газларнинг иссиқлик алмашиш харакатини оптималлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида, ЁПЭП дан ажралаётган газларнинг динамик ва кинематик харакати Ньютоннинг ёпишқоқ ишқаланиш қонуниятига асосан, конвектив ва иссиқлик нурланиши асосида металл парчаларига иссиқлик берилиши билан кечиши келтирилган. Металл шихтасидаги газларнинг оқими материалларнинг мурракаб ва тартибсиз шакли туфайли мураккаб таснифга эга, яъни ламинар ва турбулентдир. Печь ваннасида ва ЁПЭПлардан ажралаётган газларидан металл шихтасига иссиқлик бериш жараёнларида иссиқлик узатишнинг уч

тури амалий рол ўйнайди:

- а) печь ваннасининг юзасидан ажралаётган иссиқлик нурланиши;
- б) ажралаётган техноген чиқинди газлар билан металл парчалари юзасидаги иссиқлик нурланиши;
- в) ажралаётган техноген чиқинди газлар билан металл парчаларининг юзасидаги конвекция.

Ютилиш ва нурланиш жараёнлари билан кечадиган жараёнларни ўрганиш, ҳамда нурланиш-ютиш муҳитида кечадиган жараёнларнинг нурли энергия узатишнинг асосий қонуни тузилишини аниқлаш учун тажриба схемаси 1-рasm бўйича тузилди. Тажриба НТЦ-22.05.21 “Газ динамикаси асослари” лаборатория стeнди билан комбинациялиштирилди.



1-рasm. Ютилиш ва нурланиш билан кечадиган жараёнларни НТЦ-22.05.21 стeнди базасида ўрганиш учун схема ва қурилма

Бу ерда: 1- икки қатламли кварц қувури (сувли музлатгич); 2- d-1-3 мм бўлган кўмир кукуни; 3- нехром сим; 4- сувли музлатгичдан иссиқ сувни қабул қилиб олишга мўлжалланган иссиқбардош кимёвий стакан; 5- ЛТ-300 электрон термометри; 6-сув узатиш ва қуйиш шланги; 7- ЛАТР-10 лаборатория автотрансформатори.

Чўян ва пўлатнинг турли модификациларида тўлиқ нормал иссиқлик нурланиш коэффициенти ҳам аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Турли материалларда тўлиқ нормал иссиқлик нурланиш коэффициенти

Материаллар:	t, °C	ϵ
Чўян:		
сайқаланган	425-1020	0,144-0,377
оксидланган	100	0,736
Қуйма, ишлов берилмаган	925-1115	0,87-0,95

Пўлат:		
Қалин занг қатламли лист	25	0,82
Темир оксиди	500 -1200	0,85-0,95
Мойли бўёқлар билан қопланган	100	0,92-0,96
Мустаҳкам силлиқланган пластинка	23	0,945

Иккала материал тури бўйича нормал иссиқлик нурланишини аниқлаш бўйича диаграммалар тузилди (2-расм).



2-расм. Чўян ва пўлатнинг турли модификацияларида тўлиқ нормал иссиқлик нурланиш коэффицентлари аниқлаш диаграммалари

Тажриба ишларининг ушбу босқичи учун асосий хулосаларидан бири сифатида, тўқ рангли жисмларда иссиқлик ютиш коэффицентлари юқори бўлишини қабул қилиш мумкин. Шунинг учун тўқ рангли бўлакларни камеранинг пастки қисмидан бошлаб юклаш орқали иссиқлик ютилиши самарадорлигини оширади. Бўлажак олдиндан қиздириш қурилмасида иссиқлик нурланиш зонасини кенгайтиришга қарор қилинди.

Стефан-Больцман қонунига мувофиқ печ ваннасининг иссиқлик нурланиш қуввати аниқланди:

$$\xi = 0.7, T_1 = 1923.15K, A = 14.2m^2, P = \epsilon \cdot \sigma \cdot A \cdot T_1^4, P = 7.709 \times 10^6 W \quad (1)$$

Иккита паралел пластиналар орасидаги нурланиш коэффицентлари (ванна юзаси ва металл бўлакларининг пастки қатлами) қуйидаги кўринишда аниқланди:

$$\epsilon_1 = 0.91, \epsilon_2 = 0.9, K_c = \frac{\sigma}{\frac{1}{\epsilon_1} + \frac{1}{\epsilon_2} - 1}, K_c = 4.686 \times 10^{-8} \frac{W}{m^2 K^4}, \quad (2)$$

Интеграциялашган қиздирувчининг пастки қисмида жойлашган металл бўлаклари устунинг иссиқлик нурланиши натижасидаги ҳарорати:

$$T_2 := \sqrt[4]{T_1^4 - \frac{P}{K_c \cdot A}}, T_2 = 1.203 \times 10^3 K, T_2 = 929.613 \cdot ^\circ C. \quad (3)$$

Ажралаётган техноген чиқинди газлар билан металл парчалари юзасидаги иссиқлик нурланиши. Атомлар сонига қараб, металл шихта массаси орасидан ўтаётган газлар, нур энергиясини таратиш ва ютиш қобилиятига эга. Изланишлар натижасида CO_2 , H_2O ва бошқа полиатомик газларнинг изотермик ҳажмларининг нурланиши экспериментал аниқланди ва шу асосда турли газлар, жумладан карбонат ангидрид ва сув буғи учун газ ҳажмининг иссиқлик нурланиш коэффицентининг ϵ газ ҳароратига боғлиқлиги кўринишидаги номограммалар тузилди (3-расм).


Номограммалардан топилган ϵ нинг қиймати газ ҳажмининг табиий

нурланиши нисбатига кўра ҳисобланади:

$$E_0 = \varepsilon \cdot \sigma \cdot T_r^4, \quad (4)$$

бу ерда $\sigma = 5,67 \cdot 10^{-8} \text{ Вт}/(\text{м}^2 \text{ К}^4)$;

ε – газнинг иссиқлик нурланишининг хароратга боғлиқлик коэффиценти.



3-расм. Карбонат ангидрид ва сув буғининг газ ҳажмидаги ε иссиқлик нурланиш коэффиценти нинг газ хароратига боғлиқлиги номограммалари

Эритиш агрегатларида CO_2 ва H_2O одатда бир-бири билан аралашини инобатга олсак, газлар аралашмасининг иссиқлик нурланиш коэффиценти, қатъий қилиб айтганда, тоза газлар нурланиш коэффицентлари йиғиндисидан кам:

$$\varepsilon = \varepsilon_{\text{CO}_2} + \varepsilon_{\text{H}_2\text{O}} - \Delta\varepsilon, \quad (5)$$

Икки камерали қиздирувчида газларнинг иссиқлик нурланишини ҳисоблаш. Газларнинг нурланиш қуввати.

$$\varepsilon_{\text{CO}_2} = 0.2, \quad \varepsilon_{\text{H}_2\text{O}} = 0.6, \quad \sigma = 5.7 \cdot 10^{-8} \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2 \text{К}^4}, \quad F_s = 14.2 \text{ м}^2, \quad \Delta\varepsilon = 0.1, \quad T_g = 1200^\circ\text{C}$$

$$\varepsilon_g = \varepsilon_{\text{CO}_2} + \varepsilon_{\text{H}_2\text{O}} - \Delta\varepsilon, \quad \varepsilon_g = 0.7, \quad P = \varepsilon_g \cdot \sigma \cdot T_g^4 \cdot F_s, \quad P = 2.654 \times 10^6 \text{ Вт} \quad (6)$$

Шунингдек, электрда пўлат эритиш қурилмаларида ёқилғининг ёниши вақтида ҳосил бўлган CO_2 ва H_2O аралашмасининг иссиқлик нурланиш коэффицентларини ҳисоблаш соддалаштирилган:

$$\varepsilon = 1 - e^{-10kpl}, \quad (7)$$

бу ерда k - аралашмадаги нурларнинг сусайиш коэффиценти, эмпирик формула билан аниқланади:

$$k = 0,8 \cdot (1 + 20 \cdot p_{\text{H}_2\text{O}}) / \sqrt{10pl} \left(1 - 0,38 \cdot \frac{T_r}{1000}\right), \quad (8)$$

бу ерда $p = p_{\text{H}_2\text{O}} + p_{\text{CO}_2}$ - сув буғи ва ва углерод оксидининг умумий парсиал босими, МПа. Бу метод олдинги номограммаларга мос келади ва куйидаги параметрлар оралиғида амал қилади (2-жадвал).

Сув буғи ва ва углерод оксидининг умумий парсиал босими

p_{CO_2} l, МПа	$8 \cdot 10^{-4} - 0,16$
p_{H_2O} l, МПа	$4 \cdot 10^{-4} - 0,16$
p_{H_2O}/p_{CO_2}	0,2-2
T_r , К	750-1950

Газ ва қора деворлар орасидаги нур иссиқлик алмашинувини (9) формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$Q = \sigma \cdot F (\varepsilon_r T_r^4 - A_{r,c} T_c^4) \quad (9)$$

T_c ҳароратли тўлиқ қора қобикнинг нурланишига нисбатан T_r ҳароратли газнинг изотермик ҳажмининг ютилиш коэффициентлари. $T_c = 100^\circ\text{C}$.

$$A_{gc} = \varepsilon_{CO_2} \cdot \left(\frac{T_g}{T_c}\right)^{0.65}, \quad A_{gc} = 0.488 \quad (10)$$

$$A_{gh} = \varepsilon_{H_2O} \cdot \left(\frac{T_g}{T_c}\right)^{0.45}, \quad A_{gh} = 1.113 \quad (11)$$

$$A_g = A_{gc} + A_{gh} - \Delta\varepsilon, \quad A_g = 1.501 \quad (12)$$

Кулранг деворнинг иссиқлик нурланишининг келтирилган коэффициентлари:

$$\varepsilon_c = 0.91, \quad \varepsilon_{ges} = 0.5 \cdot (1 + \varepsilon_c), \quad \varepsilon_{ges} = 0.955 \quad (13)$$

Металл парчаларида иссиқлик ютилишининг юзаси:

F_s – металл парчаларининг муаян юзаси сифатида қабул қилинган

$$F_s = 8m^2/m^3, \quad F_s = 8 \cdot \frac{m^2}{m^3}, \quad V=64 \cdot m^3 \quad (14)$$

$$F_m = F_s \cdot V, \quad F_m = 512 m^2, \quad (15)$$

Газларнинг иссиқлик нурланиши натижасида икки камерали киздиргичнинг пастки қисмидаги металл парчалари устунининг ҳарорати:

$$T_m = \sqrt[4]{\frac{\varepsilon_{ges} \cdot \sigma \cdot F_m \cdot \varepsilon_g \cdot T_r^4 - P}{\varepsilon_{ges} \cdot \sigma \cdot F_m \cdot A_g}}, \quad T_m = 1.208 \times 10^3 \cdot K, \quad T_m = 935.228^\circ\text{C}. \quad (16)$$

Техноген газлар ва металл парчалари юзасидаги конвекция. Ажралаётган чиқинди газлар ва шихта юзасидаги конвекцияни аниқлаш учун электр каналли киздирувчи НТЦ-11.73 лаборатория стэнди қўлланилди. Тизимдаги босимнинг ўзгариши ΔP_1 , ΔP_2 индикаторлари жойлашган панелда акс этган. Туйнук орқали газ ўтиш каналига қалин оксидланган (тўқ рангли жисм эффектини бериш учун) пўлат листи жойлаштирилди (4-расм).



4-расм. Конвектив иссиқлик алмашинув коэффициентининг газ оқими турига ва тезлигига боғлиқлигини аниқлашни ўрганиш

Мажбурий конвексия худудидаги металл парчаларида иссиқлик ютилишининг майдонини аниқлаш:

F_s - металл парчаларининг муаян майдони сифатида қабул қилинган

$$F_s = 8\text{м}^2/\text{м}^3, F_s = 8 \cdot \frac{\text{м}^2}{\text{м}^3}, V=85\text{м}^3, \quad (17)$$

$$F_m = F_s \cdot V, F_m = 680\text{м}^2, 128\text{м}^3 \times 2/3 = 85\text{м}^3. \quad (18)$$


Иссиқлик бериш коэффициентининг газ оқими ва вақт таснифига боғлиқлиги 3-жадвалда кўрсатилган:

3-жадвал

Пластина юзасида вақт ва оқимнинг сирпанишига нисбатан конвектив иссиқлик алмашиш

Қиздириш вақти мин, ΔP, ба	10	11	12	13	14	15
0,15	70	73,3	76	81	85	88,6
0,16	66,5	68,2	70	72,2	73,8	74,9
0,17	65	66,2	67,3	68,5	69,9	72
0,18	64,2	65,4	66,5	67,3	69,1	71,2
0,19	63,3	64,5	65,4	66,4	68,2	70,3
0,20	62,3	63,4	64,4	65,5	67,2	69

5-расмдаги диаграммага мувофиқ, ламинар оқим учун энг катта иссиқлик узатиш коэффициентлари, газларнинг юза бўйлаб сирпаниши 0,15-0,17 мбар орлиғида кўрилади.



5-расм. Пластина юзасида конвектив иссиқлик алмашинувнинг вақт ва оқимнинг сирпанишига боғлиқлиги диаграммаси.

Мажбурий конвектив иссиқлик алмашинув натижасида 1-зонада металл парчаларининг қизиши. Мажбурий конвекция худудидаги металл парчаларининг хажми интеграциялашган қиздирувчининг умумий хажмининг 2/3 қисмини ташкил этади, яъни $40\text{ т} \times 2/3 = 26,8\text{ т}$. 1 т пўлатга ЁПЭП дан ажралаётган газларнинг иссиқлик оқими: $100\text{ kW с/т} \times 59\text{ т}$, камерадаги металл парчаларининг умумий оғирлиги 44 т, вақт 60 мин.

$$Q := 5900 \cdot kW \cdot h, h=60 \cdot \text{мин}, T_g = 1470 \cdot K \quad (19)$$

T_g - газнинг бошланғич ҳарорати.

$$P = \frac{Q}{t}, P = 5.9 \times 10^3 \cdot kW, \quad (20)$$

$$T_m = T_g - \frac{P}{ak \cdot F_m}, T_m = 1.106 \times 10^3 K, T_m = 833.2^\circ C. \quad (21)$$

Диссертация муаллифи МТТУ “МИСиС”нинг ОФ ва “Ўзметкомбинат” АЖ жамоаси билан интеграциялашган қиздирувчида ажралаётган чиқинди газлар оқими ва иссиқлик алмашинувини яхшиловчи қуйидаги конструкция ва технологик чора-тадбирларни ишлаб чиқди (6-расм):

1. Бир вақтнинг ўзида қиздириш камерасининг пастки қисмини печ томи орқали печ худудига интеграция қилинган ва иккинчи камера – ёқиш камераси орқали “Ўзметкомбинат” АЖнинг электрда пўлат эритиш цехининг газ ўтказиш тизимига интеграция қилинган, икки камерали қиздирувчининг конструкцияси ишлаб чиқилди.

2. Ҳам печ томига уланиш нуқтасида, ҳам газ ўтказиш тизимига уланиш нуқтасида газ оқими харакатининг оптимал геометриясининг инновацион ечими ишлаб чиқилиши туфайли, қиздириш камерасида иссиқлик алмашинуви жараёнини бир маромда кечиши таъминланади.


3. Циклон сифат мураккаб геометрик шаклдаги печ томи орқали хавонинг симметрик сўрилиши туфайли бу характерли оқим иссиқлик нурланиши ва мажбурий конвектив иссиқлик алмашинув зонасини металл парчалари устуни бўйлаб кенгайтириш имконини беради

4. Пастдан юқорига қараб вакуум тортиш таъсирини яратиш учун, қиздириш камерасининг қопқоғи механик йўлаклар орқали ёпиб очишда аниқ ҳаракатланишга имкон берадиган қилиб ишлаб чиқилган.

5. Қопқоқнинг йўлаклари ва қиздириш камераси орасидаги очилишни камайтириш учун қопқоқнинг лабиринтли фиксацияси ишлатилади, бу камеранинг максимал герметиклигини таъминлайди.

6. ЁПЭП томига ўрнатилган кўшимча сўрувчи қурилма, қопқоғ очилган пайтда, ажралаётган техноген газларни цехнинг газ тозалаш тизимига йўналтириш имконини беради.

7. Иккинчи ёқиш камерасида газкислород горелкаларидан ташқари, газ тозалаш тизимининг ички юза қисмига салбий таъсир этувчи, кул ва майда зарралар чўкадиган махсус бўлинма ҳам ўрнатилади.



6-расм. Икки камерали қиздирувчининг кўриниши
Ишлаб чиқилган конструкцион ва технологик ечимлар икки камерали

қиздиргичнинг қуйидаги жараёнлари ва техник параметрларини яхшилашга имкон беради:

- ажралаётган чиқинди газлар билан металл парчалари орасидаги конвектив иссиқлик алмашилиши;
- икки камерали қиздирувчида ажралаётган газлар оқимини;
- совуқ ҳавонинг ёқиш камерасига сўрилиши, чиқинди газлар ҳароратининг ошиши;
- пўлат эритиш цехига ва уюшмаган газлар йўлига ажралаётган чиқинди газларни чиқариш вақтини камайтириши;
- чанг чўктириш камерасини ўрнатилиши барча газ тозалаш модулларининг абразив юқини камайтиради ва зарарли моддаларни тез совиш (“Новосинтез” жараёни) жараёнини камайтиради;
- икки камерали қиздирувчида металл парчаларини бир маромда қиздириш эвазига шовқини камайтириш.

Ажралаётган чиқинди газлар ва металл парчалари орасидаги конвектив иссиқлик алмашилиш. 1-зонада эркин конвектив иссиқлик алмашилиш ҳудуди йўқ. Мажбурий конвектив иссиқлик алмашилиши натижасида 1-зонадаги металл парчалари ҳарорати $T_{МП}$, қуйидаги (22) ифода орқали аниқланади:

$$T_{МП} = T_r - \frac{P}{a_k \cdot F_m}, \quad T_{МП} = 787 \text{ }^\circ\text{C} . \quad (22)$$


Лабиринтли маҳкамлагичнинг конструкциясини қўлланилиши эркин конвектив иссиқлик алмашилиш ҳудудини сезиларли камайтирди. Эркин конвектив иссиқлик алмашилув ҳудудидаги металл парчаларининг ўртача ҳарорати $T_{МС}$, қуйидаги (23) ифода орқали аниқланади:

$$T_{МС} = T_r - \frac{P}{a_k \cdot F_m}, \quad T_{МС} = 252 \text{ }^\circ\text{C} . \quad (23)$$

Икки камери қиздирувчидаги металл парчаларининг ўртача ҳарорати T_M , қуйидаги (24) ифода орқали аниқланади:

$$T_M = \frac{\sum_{i=0}^{i=n} M_{xn} \cdot T_{xn} \cdot C_{xn}}{M_{xn} \cdot T_{xn}}, \quad T_M = 559 \text{ }^\circ\text{C} . \quad (24)$$

Эркин конвектив иссиқлик алмашилув ҳажми қиздириш камерасининг умумий ҳажмининг тахминан 1/9 қисмини ташкил этади. Икки камерали қиздирувчида конвектив иссиқлик алмашилув натижаси 7-расмда келтирилган.



7-расм. Икки камерали қиздирувчида конвектив иссиқлик алмашинуви

Икки камерали қиздирувчининг конвектив иссиқлик алмашинуви қуйидаги афзаликларни берди:

- Биринчи камеранинг пастки модуллари орқали ажралаётган газларни сўриб олиш, бошқа интеграциялашган тизмилардаги ён томондан сўришдан кўра, металл парчаларини қиздириш текисроқ кечади. Ушбу тадбир натижасида паст турбулентли зоналарда, эркин конвектив иссиқлик алмашинув ҳудудлари умуман йўқ бўлади.
- Икки камерали қиздирувчининг қиздириш камерасининг юқори қисмида эркин конвектив иссиқлик алмашинувнинг қолдиқ ҳудудлари жойлашган. Ушбу ҳолат, уюшмаган газлар йўлагига зарарли моддаларни чиқишини сезиларли даражада камайтиради.
- Паст турбулентли зоналарда, металл парчаларини қиздириш кўпроқ конвектив иссиқлик алмашинуви орқали кечади. Бу ҳодиса металл парчаларини ички контури ва узунлиги бўйлаб янада текис ҳарорат кўрсаткичларига олиб келади.
- Металл парчаларининг ўртача ҳарорати 559 °C ташкил этиб, бу кўрсаткич бошқа мавжуд интеграциялашган қиздирувчилардагидан 37 °C га кўп. Икки камерали қиздирувчида металл парчаларининг ўртача температурасининг юқорилиги, эркин конвектив иссиқлик алмашинув ҳудудининг кичрайганлиги билан ифодаланади.

Диссертациянинг **“Икки камерали қиздирувчининг ёқиш жараёни билан комбинациясининг термик хусусиятларини оптималлаштириш”** деб номланган учинчи бобида, металл парчаларини қиздириш жараёнига ва газ тозалаш модуллариининг ишига таъсир ўтказувчи, икки камерали қиздирувчининг термик ва механик ижросининг ҳолати таҳлил қилинган.

Мавжуд интеграциялашган қиздирувчиларда сувли совитиш панеллари орқали иссиқлик йўқотилишини аниқлаш мақсадида, МТТУ “МИСиС”нинг Олмалиқ филиали лаборатория шароитида тадқиқотлар олиб борилди.

Биринчи вариантда қиздирувчига металл парчалари юкланган ҳолатда бўлиб, ажралаётган газлар қиздирувчининг сувли совитиладиган деворлари билан конвектив иссиқлик алмашинув бўлган. Шу мақсадда SNOL муфель печига 0,8 м³ хажмда металл парчалари билан қайноқ брикетланган темир

аралаш ҳолда (тахминан 50/50) юкланган. Конвектив иссиқлик алмашинув ва печ муфеллари орқали иссиқлик нурланиши шароитида, печнинг ҳарорати 500 °С гача қиздирилганда: паст ҳароратли (намунанинг ўртача ҳарорати 20-25 °С) иссиқлик ютгичга қараб иссиқ оқим ҳаракат қилганда, печ деворларига тушаётган ҳарорат юкламаси 300-350 °С ҳароратни кўрсатди. Иккинчи вариантда қиздирувчи металл парчаларисиз (шихта юклашга таёргарлик, таёргарлик вақти ва шунга ўхшаш жараёлар). Ушбу режим учун бўш иш зонали SNOL муфель печи қўлланган. Ушбу иш режимида печ шифти остидаги босимни бошқариш туйнуғи тўлиқ ёпиқ ёки қисман очик ҳолда. Ушбу ҳолатда асосан печ муфелларидан иссиқлик нурланиши ва толали иссиқлик изоляцияси девори орасида иссиқлик узатиш кечади.

Печнинг иш муҳитининг контурларидаги ҳароратлар фарқи $\Delta T_{ни}$ ҳисоби кўп ҳолатларда 15 °С ташкил қилади. Печга ўрнатилган $\Delta T_{ни}$ ўлчаш асбобларининг кўрсаткичлари, печ юкланганда $\Delta T = 4,2$ °С, бўш печда $\Delta T = 8,1$ °С кўрсатди. Ҳисобланган ва ҳақиқий маълумотлар ўртасидаги фарқ иссиқлик изоляция панелини печ иш камераси ичида иссиқлик юки доимий ва 70,000 ккал/м² соат (81.4 кВт соат/м²)га тенг, деган тахмин билан боғлиқ.. Печнинг ишчи камерасининг контурлари ва ўлчаш асбоблари ҳисоблаган маълумотлар асосида турли иш режимлари бўйича қуйидагича ҳарорат фарқи ва иссиқлик йўқотиш миқдори аниқланади:

Биринчи вариант, печ металл парчалари билан юкланган пайтда: $\Delta T = 4,2$ °С.

$$Q = M \cdot C_p \cdot \Delta T \quad , \quad Q = 3,91 \cdot 10^3 \cdot \text{кВт} \cdot \text{ч} \quad . \quad (25)$$

